*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши
№ 55 (13.317).
6 МАРТ 1966 йил
ЯКШАНБА
*Баҳоси 2 тийин.*

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVII СЪЕЗДИ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVII съезди 5 мартда Тошкентда ўз ишини давом эттирди.

Съезд Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Марказий Комитети ва Ревизия комиссиясини сайлади.

Съезд делегатлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг ленинчи Марказий Комитетига баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар.

Съезднинг якунловчи мажлисида раислик қилувчи **Ш. Р. Рашидов** Ўзбекистон Компартиясининг XVII съездини ёпиқ деб эълон қилади. Делегатлар ўринларидан туриб партия гимни «Интернационал»ни ижро этадилар.

* * *

5 март кечқурун съезд делегатлари учун Санъат саройида Ўзбекистон санъат усталарининг ижросида катта концерт берилди. (УзТАГ).

# СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА

Биз, Ўзбекистон Коммунистик партияси XVII съездининг делегатлари республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари номидан ленинча партиянинг жанговар штаби — КПСС Марказий Комитетига қизғин салом ва улуғ Ватанимизнинг куч ва қудратини мустаҳкамлаш тўғрисида, барча қардош совет республикалари экономикаси ва маданиятини яшнатиш тўғрисида қилинаётган доимий ғамхўрлик учун самимий ташаккур сўзларини йўллаймиз.

КПСС Марказий Комитети 1964 йил октябрь ва ноябрь Пленумларининг қарорлари партиянинг хўжалик ва маданий қурилишга раҳбарликни такомиллаштиришдаги, партия турмушининг ленинча нормаларини янада ривожлантиришдаги фаолиятида муҳим босқични бошлаб берди.

Бизнинг съездимиз ажойиб кўклам кунларида ўтмоқда. Лекин янги беш йиллик — катта режалар ва дадил ишлар беш йиллиги очиб бераётган янги истиқболлар бизнинг қалбимизни жанубнинг баҳор қуёшидан ҳам яхшироқ иситмоқда. У, ўтмиш йилларнинг эстафетасини қабул қилиб олиб, коммунистик қурилишда янги шижоатларга, янги ғалабаларга чорламоқда.

Ўзбекистон коммунистларининг съезди беш йиллик бошланаётган пайтда, янги жуда катта вазифалар олдимизда турган пайтда республиканинг ҳисобот даврида босиб ўтган йўлини якунлаб берди. Бу — қувончли, илҳомбахш якунлардир! Ўтган йиллар мобайнида ҳар олти кунда битта саноат корхонаси ёки йирик цех ишга тушди. Саноат маҳсулотининг ишлаб чиқариш ҳажми 40 процент кўпайди. Энергетика, химия, машинасозлик, рангли металлургия, газ ва нефть саноати барқ уриб ривожланди.

Ўзбекистон индустриясининг ҳозирги вақтда эришган техника даражаси электр вакуум, чала ўтказгич, электрон ва радио техника асбобларини, турли мураккаб машиналар, станоклар ва механизмларни ишлаб чиқаришни ўзлаштиришга имкон берди. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларига мувофиқ, бутун мамлакат саноати каби республика саноати ҳам ўз тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичига қадам қўйди — ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ҳар томонлама ошириш учун умумхалқ юриши бошланди.

Социалистик қишлоқ хўжалиги дадил юксалиб бормоқда. Республика пахтакорлари айниқса катта муваффақиятларга эришдилар. Улар етти йиллик мобайнида Ватанга 23 миллион 673 минг тонна — бундан олдинги етти йилдагига қараганда 4 миллион 459 минг тонна кўп «оқ олтин» бердилар.

Ўтган йил деҳқонлар шонли меҳнат ғалабасига эришдилар. Улар давлатга 3 миллион 903 минг тонна — давлатнинг план-заказида белгиланганига қараганда 303 минг тонна кўп пахта сотдилар. Ҳамма областлар ва Қорақалпоғистон АССР пахта тайёрлаш планини бажарди. 1965 йилда ҳосилдорлик энг юқори поғонага кўтарилди — гектар бошига 1958 йилдаги 21 центнер ўрнига 24,2 центнер пахта олинди, колхозларда эса ўртача ҳосилдорлик 26 центнерга етди. Пиллачилар ва чорвадорлар, сабзавоткорлар ва лубкорлар, боғбонлар ва соҳибкорлар ўз муваффақиятлари билан мамлакатни қувонтирдилар. Фан ва маданият, адабиёт ва санъат янги чўққиларга кўтарилди. Халқ маорифи ва соғлиқни сақлаш янада ривож топди. Меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг даражаси кўтарилди. Ишчилар, хизматчиларнинг реал иш ҳақи анча кўпайди, колхозчиларнинг пул ва натура даромадлари ошди. Одамлар тағин ҳам яхшироқ, ёлчиб яшайдиган бўлиб қолдилар, юксак маданият улар турмушига мустаҳкам сингиб бормоқда.

Босиб ўтилган йўлга назар ташлар эканмиз, ютуқларимиз билан бирга камчиликларимиз ҳам бўлганлигини кўриб турибмиз. Съезд делегатлари шу камчиликлар тўғрисида баралла гапириб ўтдилар. Эришилган натижаларимизга сергаклик билан баҳо бермоқдамиз ва олдимизда тағин ҳам мураккаб вазифалар турганлигини биламиз. Бу вазифаларни амалга ошириш биздан кўпгина янги куч ва ғайрат сарфлашни талаб қилади.

Буюк мақсад бизни қувонтирмоқда, руҳлантирмоқда, кучимизга куч қўшмоқда, ҳар бир меҳнатчида битмас-туганмас ғайрат вужудга келтирмоқда. СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1966 — 1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳаси ёрқин ёритиб турган эртанги кунимизга ифтихор ва комил ишонч билан қарамоқдамиз. Совет кишилари ана шу ажойиб ҳужжатда ленинчи партиянинг донишмандлиги, унинг халқ оммаси ижодий кучларига бениҳоя ишончи, коммунистик қурилишнинг етилган вазифаларини партиямиз ишчанлик билан, илмий асосда ҳал қилиб бера олиши ифодаланганлигини кўриб турибдилар. Бутун совет халқи каби Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам КПСС XXIII съезди Директивалари лойиҳасини қизғин маъқуллаб, якдиллик билан қувватлайдилар.

Совет Ўзбекистони учун янги беш йиллик — зўр қувонч ва катта зафарлар беш йиллиги бўлади. Республика экономикаси ва маданиятида битта ҳам тармоқ йўққи, у янада ҳар томонлама ривожланмайдиган бўлсин. Электр энергия ва рангли металлар, машиналар ва минерал ўғитлар, нефть ва газ, газлама ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йилдан йилга кўпайтирила беради. Республиканинг ер ости бойликлари ўзининг битмас-туганмас хазиналарини тағин ҳам кенг қилиб очиб қўяди. Ўзбекистон мамлакатнинг олтин казиб чиқарувчи энг катта районлари қаторига дадил ўтиб олмоқда.

КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорлари социалистик қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтармоқда. Бу қарорларни амалга оширишда республикамиз кўзга кўринарли ўринни олиб турибди. Ўзбекистон мамлакатнинг асосий пахта базаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Беш йилликнинг охирига бориб, биз Ватанга 4 миллион 180 минг тонна «оқ олтин» беришимиз керак. Биз мўлжалланган маррага етиб олиш учун куч ва ғайратимизни аямаймиз. Пахта — республикамизнинг шуҳрати ва ифтихори, пахта — жонажон еримизнинг энг бой маҳсулига халқимиз қўйган меҳр-муҳаббатнинг ифодаси, пахта — деҳқонлар қаҳрамонона меҳнатининг бебаҳо маҳсули, пахта — Ўзбекистон меҳнаткашларининг мамлакатимиз барча халқлари олдидаги олий интернационал бурчининг ва совет ватанпарварлигининг моддий ифодаси.

Пахтачилик билан бир қаторда деҳқончилик ва чорвачиликнинг ҳамма тармоқлари ғоят ривож топади.

Саноат ва қишлоқ хўжалигини янада ўстириш, халқ фаровонлигини ошириш капитал қурилиш проблемалари билан чамбарчас боғланган. Ҳозир Ўзбекистон жуда катта қурилиш майдони бўлиб қолди. Ишга туширилаётган янги заводлар, фабрикалар, электр станциялар, сув омборлари, суғориш каналлари, мактаблар, клублар, касалхоналар, уй-жой бинолари ва шифохоналар республикамизда йилдан-йилга кўпаяверади.

Тез орада Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг навбатдаги XXIII съезди очилади. У, коммунизмга олиб борадиган йўлда янги жуда катта поғона бўлиб қолади, ғоят зўр тарихий аҳамиятга эга воқеа бўлади. Бутун Ўзбекистон съезд олди вахтасида туриб ишламоқда.

Ҳамма жойдан меҳнат рапортлари келиб турибди. Бу рапортларни Хоразм ва Андижон пахтакорлари, Мирзачўлдаги қўриқ ерларни ўзлаштирувчилар ва Мурунтов олтинкорлари, Фарғона нефтчилари ва Бухоро газчилари, Тошкент ва Чирчиқ машинасозлари, Бекобод ва Олтинтопкан металлурглари, Навоий бинокорлари ва Самарқанд боғбонлари йўлламоқда. Мана шу рапортлар оқими, омманинг серғайрат меҳнати, ижодий ташаббускорлиги тобора кўпаяверади. Ўзбекистон меҳнаткашлари Ватан олдидаги ўз бурчларини шараф билан бажарадилар.

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XVII съезди КПСС Марказий Комитетини ишонтириб айтадики, республика партия ташкилоти бундан буён ҳам Ленин йўлидан олға бораверади, меҳнаткашларни марксизм-ленинизмнинг юксак идеаллари руҳида, совет халқларининг қардошлиги ва дўстлиги руҳида тарбиялайверади, партия раҳбарлиги услубини ва методларини тинмай такомиллаштираверади, экономикани ва маданиятни юксалтириш учун, коммунистик қурилишнинг улуғвор программасини муваффақиятли амалга ошириш учун зўр бериб курашаверади.

Улуғ Совет Ватанимизга шон-шарафлар бўлсин!

Лениннинг енгилмас байроғи, халқлар дўстлиги, қардошлиги ва бахт-саодатининг рамзи бўлган коммунизм байроғи Ватанимиз узра мағрурона ҳилпираб турибди!

Жонажон Коммунистик партияга ва унинг ленинчи Марказий Комитетига шон-шарафлар!

*Ўзбекистон Компартиясининг XVII съездида 1966 йил 5 мартда қабул қилинган.*

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ XVII СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ СОСТАВИ

## *ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ АЪЗОЛАРИ*

Абдалин А. С.
Абдуллаев З. А.
Абдуллаева Р. Х.
Абдураззоқов М.
Абдураҳмонов А.
Авазматов К.
Анисимкин И. Г.
Азимов С.
Айтмуротов Е.
Акимова Т. И.
Аннаева К.
Асомов С.
Асомов Х.
Аҳмадалиева Ш.
Охунов Н.
Охунова Т.
Бабков И. В.
Бозоров Н. Б.
Бродова А. И.
Валиев Э.
Ваҳобов М. Ғ.
Габриельянц Г. А.
Гаврилов А. Ф.
Ғозиназаров А.
Горбачева Н. М.
Дадажонов М.
Демин Н. С.
Жалолов М.
Жалилов И.
Доленко В. К.
Дўсова О.
Дўсов И.
Есенбоев З. И.
Ешимбетов Д.
Зоидов М. А.
Зарапетян З. П.
Зинин Т. Г.
Зиёдуллаев С.
Иброҳимов М.
Иброҳимов С. И.
Илюхин А. М.
Имомова Х.
Искаков К.
Исроилова З.
Эрматов Х.
Қодиров А. М.
Қодиров В.
Қодиров И.
Қодирова И.
Каймаков П. В.
Камолов К.
Камолов С.
Камолова А.
Каримов А.
Қаюмов П.
Киселев С. И.
Клинкова Н. А.
Қўқонбоев Ф.
Кузмин В. П.
Қурбонов М. Ю.
Қурбонов Р.
Қўчқоров А. М.
Кушчева Р. И.
Лебедков А. Д.
Ломоносов В. Г.
Ляшченко Н. Г.
Мавлонов И.
Мамажонов Х.
Мангелдин Д. И.
Марцинюк И. В.
Маткаримов М. М.
Матчонов Н. М.
Маҳмудов Н.
Мерганова Р.
Мелиев А.
Мирзааҳмедов М.
Мирзараҳимов А.
Мўминов И.
Муродов Н. М.
Муратов А. Н.
Муродхўжаев В.
Муртазоев Қ.
Мусахонов М. М.
Муҳиддинов М. М.
Набиев И.
Насриддинова Е. С.
Нишонов Р.
Новицкий Б. А.
Норматова С.
Нуъмонов (Яшин) К.
Нурмуҳамедов М.
Нурумбетов К.
Одилов А.
Ожраев Д.
Окунский В. В.
Орлов Г. М.
Пономарев А. С.
Поспелов К. С.
Ражабов Т.
Рамазонов М. Р.
Расулов С. Р.
Раҳимбобоева З.
Раҳимов Б. Р.
Раҳимов Қ. Р.
Раҳмонқулов М. М.
Рашидов Ш. Р.
Ризаев Х.
Рўзибоев Т.
Рустамова Қ.
Рибалка В. В.
Содиқов О.
Содиқов Т.
Содиқова В. С.
Содиқова Р. А.
Саидова С.
Саримсоқов У.
Саркисов А. А.
Саримсоқов Т. А.
Сатторова Т.
Светленко Г. Г.
Скоробогатов Г. И.
Скребнов В. С.
Соколов П. И.
Сирожиддинов З.
Султонова С. У.
Султонхўжаев А.
Стрельцов И. В.
Тоиров С. М.
Тасанбоев Е. Т.
Титков И. К.
Турсунов М.
Тюпко В. А.
Умаров А.
Умаров М.
Уразбоев М. Т.
Усмонов С. Н.
Усмонова Т.
Хаитов М. Н.
Ҳайдаров А.
Ҳайдаров Т.
Ҳайдарова Г. К.
Ҳакимов Х. А.
Ҳоликулов Н.
Ҳамидов А. Х.
Ҳамроқулов С.
Ҳасанова М.
Хван М. Г.
Ҳикматов И.
Хўжаев А.
Хўжаев А. Р.
Хўжаев А.
Хўжаев А. А.
Хўжаев Ж.
Хўжаев Ф.
Худойбергенов М.
Худойбердиев Н. Ж.
Ҳусенова К.
Чекин П. О.
Шодмонова С.
Шайхов Э. Т.
Шалигин А. И.
Шамсутдинов Ф. Ш.
Шарипов Т.
Юсупов У.
Яхёев Х. Х.

## *ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ АЪЗОЛИГИГА КАНДИДАТЛАР*

Аймеков У.
Акрамов А.
Акрамхўжаев С. А.
Омонов Б.
Орзибоева Т.
Орифов У.
Арнаутов И. Р.
Архангельский В. А.
Очилдиева Т.
Барковская Т. Д.
Ғафуров Х. М.
Дадасянц А. М.
Жабборов А. Х.
Жалиев М.
Жалилов Х. М.
Зокиров Я. Т.
Зиёмов С.
Ибодуллаева У.
Иваненко Ю. А.
Ивахненко А. Д.
Ислямов Б.
Исмоилова Б.
Исмоилова М.
Эргашева П.
Ишқувватов И.
Кавтаров П. И.
Қорабоев С.
Қориев М.
Каримов А. К.
Қаюмов А.
Красников Б. А.
Куликов В. Н.
Мақсумов М.
Мамажонов Ю.
Маматов П.
Мамарасулов С.
Мирзаев М. М.
Мирзаматов Т.
Муқимов Й.
Мусахонова Х. Р.
Нажимов Ғ.
Назиров А.
Нарзуллаев С.
Носиров Х. М.
Низомов И. Н.
Ниёзов С.
Павлова Т. Г.
Пирманов С.
Пўлатхўжаев С. Х.
Рўзметов К.
Соиббоев Х.
Саидов М. С.
Саримсоқов А.
Сатторов Х.
Сахибоев Р.
Светашова Л. А.
Султонов Д.
Супотницкий Н. И.
Тоиров К.
Умаров А.
Усмонов Б. У.
Холмуротов П.
Ҳамроев Н. Р.
Хоназаров Ж.
Худойбергенов С.
Хуснутдинов И. К.
Шерникова Л. Ф.
Чолаков М. М.
Шаҳназаров Р. А.
Шевченко Б. М.
Шермуҳамедов С.
Эркабоева Х.
Юсупов Ғ. Ғ.

# ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ XVII СЪЕЗДИДА САЙЛАНГАН ЎЗБЕКИСТОН КП РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ СОСТАВИ

Абдураззоқов Б. А.
Алиев К.
Алимов Ж. Х.
Алихонов О.
Алматов Ч.
Орипов Ж.
Охунжонов А. И.
Бузруков И.
Васиқова М. С.
Ғиёзов Ғ.
Жўраев Ф.
Завьялов А. З.
Зайко Г. И.
Иброҳимов У. Е.
Иброҳимова Р. И.
Исломов Э.
Каримов К.
Каримов М.
Кенжаев К.
Қирғизбоев Н.
Қудратов Ш.
Қуляев Ф. Д.
Қурбонов Ю. Р.
Макотро В. Г.
Митрофанов В. С.
Назиров Ғ.
Норқулова З.
Новикова Н. А.
Озерский Е. И.
Побойкова Е. Г.
Попова М. И.
Раҳимов Х.
Ржевский А. С.
Ризаев К.
Рўзимуротов Т.
Рўзматов М.
Собиров Ғ. С.
Саидова М.
Соқиев А.
Саломова Ш. З.
Сатторов У.
Селиверстова М. Н.
Сўпиева О.
Тадулевич Р. Т.
Тимофеев П. М.
Тўлаганов Х. Т.
Хидиров И.
Чудная А. И.
Шамсутдинова З. Х.
Шоражабов У. Ш.
Шахов А. Т.
Шукурова Х. С.
Йўлдошев В. Й.
Юсупов И.
Ёқубов Ф. Ғ.

# ХАЛҚ ТАЛАНТЛАРИ КЎРИГИ

Республика бадиий ҳаваскорлик кўриги қатнашчиларининг Ўзбекистон Компартияси XVII съездига бағишланган якунловчи концерти халқ талантларининг ёрқин байрамига айланиб кетди.

Область конкурсларида ғолиб чиққан 50 га яқин коллектив ва солистлар ўз санъатини 4 мартда Тошкент Санъат саройида ва съезд делегатлари олдида намойиш қилиш ҳуқуқига эга бўлган эдилар. Ҳаваскор ашулачилар, раққослар, музикачилар бўлмиш ишчилар, пахтакорлар, бинокорлар, чўпонлар, хизматчилар учун ижодий санъат иккинчи истеъдод бўлиб қолган.

Концерт қатнашчилари Санъат саройи саҳнасига инсон саодати йўлида қилинаётган меҳнатни шарафловчи, ҳаёт қувончини тараннум этувчи ўз қўшиқларида республикамиздаги чаманзор водийлар муаттар бўйини, қир ва адирлар нафасини, тоғ ён бағирларининг салқин шабадасини олиб келдилар.

Томошабинлар Тошкентдаги Ленин номли радиолампалар заводи, Марғилон ипак комбинати, «Қизил Ўзбекистон» колхозининг рақс ва хор ансамблларини ҳамда съезд делегатларига ажойиб халқ санъатини кўрсатиб қувонч бағишлаган концертнинг бошқа қатнашчиларини қизғин олқишладилар.

(ЎзТАГ).

# УЧ АВЛОД АЁЛЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ

5 мартда Тошкентдаги Олий партия мактабининг залида уч авлод аёлларининг намояндалари учрашдилар. Бу ерда халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган шаҳар кечаси бўлди. Дастурхон олдида тўпланган кекса коммунистлар, ишчилар, фан, санъат, маориф арбоблари чой ичиб дилкаш суҳбат қилдилар.

Кеча қатнашчиларини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е С. Насриддинова самимий табриклади.

Кечада қўшиқлар айтилди, уларнинг кетидан ҳаваскор ва профессионал артистлар ижросида рақслар ижро этилди.

(ЎзТАГ).

# Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

5 мартда Ўзбекистон Компартияси XVII съезди сайлаган Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленум ўртоқ **Ш. Р. Рашидов**ни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб, ўртоқ **В. Г. Ломоносов**ни Марказий Комитетнинг иккинчи секретари қилиб сайлади. **Р. Н. Нишонов, И. Г. Анисимкин, Н. М. Матчонов** ўртоқлар Марказий Комитет секретарлари қилиб сайландилар.

**И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. Г. Ляшченко, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Е. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, Ш. Р. Рашидов** ўртоқлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Президиумининг аъзолари қилиб сайландилар.

**М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов** ўртоқлар Марказий Комитет Президиуми аъзолигига кандидат қилиб сайландилар.

Пленум Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бўлим мудирларини тасдиқлади: **Г. М. Орлов** ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири, **М. М. Раҳмонқулов** пропаганда ва агитация бўлими мудири, **С. Шермуҳамедов** маданият бўлими мудири, **Б. А. Абдураззоқов** фан ва ўқув юртлари бўлими мудири, **Е. Т. Зокиров** маъмурий органлар бўлими мудири, **М. Р. Рамазонов** оғир саноат ва машинасозлик бўлими мудири, **М. С. Саидов** қурилиш ва шаҳар хўжалиги бўлими мудири, **Д. И. Мангельдин** транспорт ва алоқа бўлими мудири, **А. Султонхўжаев** енгил ва озиқ-овқат саноати бўлими мудири, **Т. Г. Зинин** қишлоқ хўжалик бўлими мудири, **А. М. Даласянц** сув хўжалиги бўлими мудири, **А. И. Охунжонов** савдо, план ва молия органлари бўлими мудири қилиб тасдиқланди.

**Ж. Хўжаев** Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия комиссиясининг раиси қилиб тасдиқланди.

**А. Д. Ивахненко** «Правда Востока» газетаси редактори, **М. Қориев** «Совет Ўзбекистони» газетаси редактори, **Ш. Ниёзов** «Ҳақиқати Ўзбекистон» газетаси редактори, **А. Ислямов** «Ленин байроғи» газетаси редактори, **С. С. Черник** «Ўзбекистон коммунисти», («Коммунист Узбекистана») журнали редактори, **Т. Соатов** «Партия турмуши», («Партийная жизнь») журнали редактори қилиб тасдиқланди.

### ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Компартияси ревизия комиссияси янги сайланган составининг 5 мартда бўлиб ўтган мажлисида ўртоқ **К. Каримов** Ўзбекистон Компартияси Ревизия комиссиясининг раиси қилиб сайланди.

Сиз суратда Бухоро область, Вобкент районидаги Ильич номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи М. Ҳафизова (чапдан), Андижон область, Бўз районидаги «Партия XX съезди» колхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Манноп Жалолов, Хоразм область, Янгиариқ районидаги Аваз Утар ўғли номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Искандар Юсупов ва Андижон область, Учқўрғон районидаги «Коммунизм» колхози партия ташкилотининг секретари Хадича Дўсматова ўртоқларни кўриб турибсиз.

**В. Кожевников ва Г. Пун** фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).



